



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqarib boshlagan 2002 yil 26 iyul juma № 29 (368) sotuvda erkin narxda

• Шунинг аниқ айтиш мумкинки, бугунги кунда бепоен далаларда ризқ-рўз ундираётган деҳқон ва фермерларнинг фикри-зикри ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муносабати, умуман дунёқараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгасига, мулкдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳсулотининг эгасига айланмоқда. Қишлоқ жойларда юз бераётган ўзгаришларнинг асл маъно-моҳияти ҳам мана шунда, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Япония ҳукуматининг таклифига биноан, шу йил 28-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи бўлиб ўтади.

Ташриф давомида Япония Императори Акихито билан учрашув кўзда тутилган бўлиб, Япония Бош вазири Д. Коидзуми билан музокаралар, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари,

ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Сафар асносида қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланади. Ўзбекистон томони Япония билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият беради.

Ташриф олдида

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК — ҚАЛИН ҲАМКОРЛИК

Дунёда ҳаёт, иқтисодий мўъжизалари билан ном қозонган давлатлар кўп эмас. Лекин ана шу саноқли мамлакатлар орасида етакчилик қилувчи юрт сифатида Японияни кўрсатсак, ҳеч қандай муболағга бўлмайди. Табиий заҳиралар бобида тақдир уни бирмунча қисган эса-да, тараққиёт бобида ҳар томонлама мададкорлик қилади. Япония бугун олтин-валюта заҳираси энг кўп мамлакат саналади. Дунёда унинг технологиялари етиб бормаган жой йўқ. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам энг олдинги ўринлардан бирида. Халқ эса ватанпарварлиги ва миллий анъаналарга кучли садоқати билан ажралиб туради. Иқтисодчиларнинг фикрича, энди иккинчи йили ўтаётган янги асрда Япония ишлаб чиқаришни бирмунча камайтириб, технологияларни экспорт қилишни кўпайтиришга ўтади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабрида тан олган. Кўп ўтмай, 1992 йилнинг бошида икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон бу мамлакат билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришни устувор масала этиб белгиланган бўлса, Япония Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлат сифатида қарайди. Шу боис мунтазам равишда Япония ҳукумати ва парламентнинг нуфузли аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва ишбилармон доираларнинг обрўли вакиллари Ўзбекистонга келиб туради.

Шу ой ўрталарида ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сайёнов Сугиру раҳбарлигида ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан иборат катта делегация келиб кетди. Май ойида эса депутатлар Т. Асо ва Н. Накаяма бошчилигида Япония жамоатчилигининг жуда катта делегацияси Ўзбекистонни зиёрат қилиб, уруш йиллари мамлакатимизга келиб қолган ва бу ерда абадий уйғуға кетган ҳамюртлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорликларнинг очилиш маросимларида қатнашди. Ушбу тадбирларнинг бошида, албатта, Президент Ислом Каримовнинг саноқли халқларга турлади. Бундай одамийлик эса, табиийки, ўзаро муносабатларга ўзгача руҳ ва шиддат бағишламодди.

11 сентябрь воқеаларидан кейин дунёда ва минтақамизда ўз берган ўзгаришлар Ўзбекистон — Япония муносабатлари ривожига янги суръат бағишлади. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Дзюнохитори Коидзуми ўзаро нома алмашиб, террорчиликка қарши халқаро миқёсда бошланган кураш доирасида амалга ошираётган ишларини, қарорларини маъқулади ва бундан бундан ҳам бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, Д. Коидзумининг мактубини ушбу мамлакатнинг собиқ Бош вазири, амалдаги ҳукумат раҳбарининг махсус элчиси мавқеига эга бўлган Йосиро Мори келиб топширди. Бу эътибор бежиз эмас. Ўзбекистон халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатган ёрдамнинг аҳамияти беқийс. Мамлакатимиз Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо сифатида қирқинини ёқлаб келади. Шунингдек, Ўзбекистон вакиллари Афғонистонни тиклаш борасида ўтказилган Токио конференциясида фаол иштирок этди. Ушбу анжуман давомида Япония томони афғон заминидан амалга оширилажак иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларда Ўзбекистоннинг инфратузилмаси ва заҳиравий салоҳиятидан фойдаланишга катта қизиқиши борлигини билдирди.

Икки томонлама ҳамкорлик ана шу қизиқиш асосида ҳам ривожланмоқда. Япония Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ва мамлакатимиздаги илоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ёрдам кўламани оширмоқда. 2001 йилнинг январидан 60 миллион АҚШ доллар микдорида кредит берилган бўлса, 2002 йилнинг мартида Япония ҳукумати Ўзбекистонга 188

миллион долларлик имтиёзли кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

Умуман, Япония шу чоққа мамлакатимизга киритган сармоянинг ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Мамлакатимизда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 1999-2000 йиллари Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) минтақавий ваколатхоналари очилган. Улар техникавий ёрдам лойиҳаларини амалга ошириш, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида алоқа ўрнатишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Икки томонлама муносабатлар ривожига иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Япония ва Япония-Ўзбекистон кўмиталарининг ҳам аҳамияти катта. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил майда Японияга буюрган расмий ташрифи чоғида тузишга келишиб олинган ушбу кўмиталар мунтазам равишда қўшма мажлислар ўтказиб туради. Бунинг натижасида шериклик қилаётган ишбилармонлар бир-бири билан тез-тез тиллашиб, ҳолидан бохабар бўляпти, икки мамлакатнинг йирик корхоналари, молиявий муассасалари ва ҳуқуқий тадбиркорлари ўртасидаги бевоқиф алоқалар мустаҳкамланяпти. Галдаги йилги шу йилнинг кузида Токиода ўтказилиши режалаштирилган. Маданий алоқалар борасида 2001 йилнинг августидан Тошкентда «Юдзуру» («Тунги турна») операси намойиш этилгани катта воқеа бўлди. Бу тадбир Япониянинг бошқа собиқ Бош вазири Цутому Хатанинг ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Япония археологлари ҳам узоқ йиллардан бундан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатимизда буддавийлик маданиятининг ёдгорликлари очилишида япон археолог К. Катонинг ҳиссаси катта бўлгани боис у 2002 йилнинг майида давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Шу йил апрель ойида яна бир эътиборга молик воқеа рўй берди. Т. Асо, Й. Мори, Н. Накаяма каби депутатлар ташаббуси билан Япония парламентида «Япония Либерал демократик партияси — Ўзбекистон» номини олган дўстлик лигаси тузилди. Олий қонун чиқарувчи органда энг нуфузли партияларнинг бирдан сайланган депутатларнинг бундай ташаббусига қўл ургани, албатта, муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Қўнчиқар мамлакатига буюражак бу галги расмий ташрифи қандай кечишини муносабатларимизнинг ана шундай кўтаринки руҳидан келиб чиққан ҳолда тасаввур этиш қийин эмас. Бу галги музокаралар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, Япониядан янада кўпроқ сармоя жалб этиш, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар кўламани кенгайтириш учун катта имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани ғаллакорлари бу йил ҳар қачонгидан мўл бўлса, ҳосили етиштириб, уни қисқа муддатда саранжомлаб олишга муваффақ бўлишди. Эришилган зафарда «Оқсув» деҳқон-фермер хўжалиги миришкорларининг баракали улушлари бор. Чунки хўжаликда ер ўзининг ҳақиқий эгалари — фермерларга бўлиб берилган.

Фермерлар йил давомида, яъни, уруғин ерга қадашдан тортиб, то ҳосил етилгунга қадар бор тажрибалари, имкониятларини ишга солган ҳолда тер тукишди. Усимлиқни озик-лантириш, сугоришда узилишга йўл қўйилмади. Шу тўғрисида ҳам ғалла ниҳоллари сарваж, сердон бўлиб ўсди.

Фермерлар ҳосилини нобуд қилиш ва вақтида йиғиб-териб олишга ҳам катта эътибор беришди. Комбайнларнинг унум билан ишлаши таъминланди. Шу сабабли ҳам уларнинг ернинг ҳақиқий хўжайинлари деб ҳис қилган фермерлар эса ҳар гектар ердан 50-60 центнердан дон ўриб-йиғиб олиб, янги уруғнинг шарофатини амалда исботлашди.

СУРАТДА: хўжалик раиси Абдуллажон Қўрбонов «Оқсув» деҳқон-фермер хўжаликлари бошқаруви билан янги режалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

Солиқ КАХХОР олган сурат.



Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан мамлакат ҳудудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Сифатсиз, баъзан эса фойдаланиш учун мутлақо яроқсиз хорижий мол-маҳсулотлар божхона постларида ушлаб қолинмоқда.

Истеъмол бозорини ана шундай қалбаки буюмлардан ҳимоя қилишда қонунда белгиланган ҳамма зарурий чоралар қўрилмоқда. Шунга қарамай шахсий манфаатини юрт обрў-эътибодидан юқори қўяётган айрим тадбиркорлар божхона тўсикларини четлаб ўтишга уринмоқдалар...

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, шу йилнинг ўтган олти ойи давомида 539 та контрабанда, божхона қонунларига зид ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар аниқланганига дуч келамиз. Ушбу ҳолатлар бўйича 87,7 миллион сўмлик моддий товар бойликлари далилий ашё сифатида олиниб, шунинг асосий қисми мусодара қилинган. Ҳуқуқбузарларга 10,6

миллион сўм жарима соши қўрилган. Нега?

Гап шундаки, ғайриқонуний ҳисобланган бу товарларнинг аксарияти сифатсиз, фойдаланишда хавфсизлик талабларига жавоб бермайди. Бу маҳсулотларни арзон-гаровга сотиб ол-

қонунлари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари Ургутда яна бир ғайриқонуний юкни тўхтаб қолдилад. Бу сафар «КАМАЗ» автомашинасида 8576 жуфт, жами 4 миллион сўмлик оёқ кийимларини бозорга олиб ўтишга ури-

Италиянинг «FENCOS» компанияси томонидан юборилган 5034 АҚШ доллари тенг 600 дон махсус идишларда экспортлар ҳулосасига асосан яроқсиз деб топилди. Мева-сабзавотни ёки қайта ишланган маҳсулотни солишга

йўлга мустаҳкам тўсиклар қўйишга интилаётган эканлар, хорижнинг сифатсиз товарлари бозорларимизга қаердан кириб келаяпти? Бунинг иқтисодий, маънавий зарарини қимдир ҳисоблаб қўраялми? Ахир шундай маҳсулотларни ўзимизда сифатли қилиб ишлаб чиқариш имкониятлари етарлику!

Қикримизча, хорижнинг арзон-гаров, ялтир-юлтир маҳсулотларини божхона постларида тўхтаб текширишининг ўзи қийин эмас. Бундай товарларни юртимизга олиб киришга уринаётган қаллобларга нисбатан таъқибли бозорларда ҳам давом эттириш керак. Бу борада харидор назорати энг таъсирчан чора. Лекин аввал харидорга ўз ҳуқуқларини тушунириш, унга таллаш имкониятини яратиб зарур. Қаллобдан инсоф тилагунча унинг молига қиёб қолманг, арзон деб савдолашманг, ҳаммадан пул чиқаришга шошилманг. Харидор назарида демаски, халқнинг назаридан четда қолиб қасодга ураши унинг учун катта жазо.

Ражаб САМИЕВ, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.

ҚАЛЛОБДАН ИНСОФ ТИЛАМА

ёки хорижнинг сифатсиз мол-маҳсулотлари билан бозорни «гуллаётган» айрим юртдошларимизга ватанпарварлик туйғуси ётми?

ган тадбиркор бойлик ортираман деб ҳовлиққани сезилиб қолди.

Божқарманинг «Жортепа» божхона пости ходимлари Ургут шаҳри Навоий шоҳқўчаси 17-уйда истикомат қилувчи Д. Дўстёровга тегишли 48 турдаги салкам бир миллион сўмлик доридармонларни савдодан қайтариб қилишди. Қарангки, бу «доришнос» одамларнинг соғлигини гаровга қўйиб, пул тўплашни ният қилиб олган экан. Лаборатория текширувида доридармонларнинг давлат қайдамасидан ўтмаганлиги, сифатсизлиги, фойдаланиш муддати тугаганлиги аниқланди. Натижада бемор учун шифо эмас, захри қотилга айланиши мумкин бўлган яроқсиз дорилар буткул йўқ қилинди.

Контрабанда ва божхона

ниб қўрилган эди. Аммо текширишда пойфазаллар давлат стандарти талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Самарқандда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар талайгина. Уларга хориждан олиб келинаётган бутловчи қисмлар, ҳар хил юклар ҳам божхоначилар назоратидан четда қолма-япти. Хусусан Буюк Британиядан «УЗБАТ»нинг Самарқанд Сигарета фабрикасига юборилган 76.000 АҚШ доллари тенг 5,6 тонна ацетат толасидан тайёрланган филтёр таёқчаларида фойдаланиш муддатлари ўтганлиги аниқланди. Натижада товар божхона ходимлари назорати остида ёки йўқотилди.

Шунга эмас, Самарқанд шаҳридаги «Орифен» қўшма корхонаси номига

мўлжалланган бу идишлар темир-терсак корхонасига топширилди.

Умуман истеъмол бозоридан қайтариб қолинаётган маҳсулотларнинг рўйхати узун. Улар орасида спиртли ичимликлар, сигарета, қуруқ сут кўпроқ учрайди. Чунки олғир тадбиркорлар назарида бу товарларни божхона постларидан оз-оздан яширишча олиб ўтиш осон. Лекин божхоначилар ҳам анойи эмас. Утган олти ойда 1 миллион 371 минг сўмлик шу каби сифатсиз, фойдаланиш учун зарарли маҳсулотлар ушлаб қолинди.

Шу ўринда ҳақиқат тўғрисида. Божхоначилар ва улар билан ҳамкорликда ишлаётган бошқа назорат органлари ўз бурчларини қўлдан келгунча урдалашаётган, қонунбузарлар

ҚУВОНЧ ТУЙҒУСИ



Бир бурда нон...
Гўдақларнинг зор қақшагани!..
Бир бурда нон...
Очлик юртга даҳшат солгани!
Бир бурда нон...
Бир бурда нон сўраган кўзлар...

Бир бурда нон тилаган сўзлар...
Навбатларда туриб эрта-кеч...
Кўз ёшларин тиёлмайин ҳеч,
Қор-ёмғирда сарсон-саргардон,
Гул чехралар бўлгани ҳазон...
Наҳот энди унитиб бўлса,
Наҳот бундан кўз юмиб бўлса?!
Ахир булар тўшдамас, ҳўшда,
Бўлганди-ку, булар ўтмишда!..
Нон ҳақида борганида сўз,
Йўқ, ўтмишдан юмолмаймиз кўз!
Ҳеч бўлмаса шунинг учун ҳам,
Нон қадрига етолсин одам!
Бир бурда нон
Гўдақ кулгуси,
Бир бурда нон -
Қувонч туйғуси.
Деҳқон кўлин қадоклиги — бу,
Деҳқон йўлин ардоқлиги — бу,
Қора кўзлар тиниклиги — бу!
Чехраларнинг илиқлиги — бу!
Шухрат УМАРОВ.

ЖАМИЯТ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтидан янги ташкил этилган жамоат соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш бўйича ўқув дастурини халқаро талаблар даражасига олиб чиқиш ҳамда мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириш масалаларига қаратилган халқаро семинар ўтказилди.

Жорий йилнинг май ойида институтимиз Очик жамият институт томонидан таъсис этилган грант совриндори бўлди, — дейди мазкур билим даргоҳи кафедра мудири Равшан Азимов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — 40 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантнинг асосий қисми институтда ташкил этилган Жамоат соғлиғини сақлаш кафедраси ходимлари ва талабалари хорижий давлатларда малака ошириб келишлариға сарф қилинади. Ушбу кафедра ўз йўналишига қўра янгилик саналиб, бу ерда магистратура ўқув дастури бўйича жамоат соғлиғини сақлаш тизими учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш кўзда тутилади.

Муассас ТОПИЛДИЕВА,
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
Университети

пар тузилмоқда.

Дарвоқо, махсулотни сифатли тайёрлашида ва белгиланган режаларнинг ортиги билан уддालанишида Феруз Каримов, Файрат Кенжаев, Махжид Абдуллаев, Шерхон Турдиев, Азамат Жумаев, Бахтиёр Нарзуллаев, Бахтиёр Турдиев, Абдугани Тошев, Абдусамад Мунавваров сингари фидокорларнинг хизматлари тахсинга лойиқ бўлаётир.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

